

**ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР  
ПРОФИЛАКТИКАСИ БЎЛИНМАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ  
АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ**

*Тургунов Жамшидбек Ахмадулло ўғли  
Ўзбекистон Республикаси ИИБ  
Академияси 308 гуруҳ курсанти*

**АНОТАЦИЯ**

Ушбу мақола орқали муаллиф ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бўлинмалари фаолиятининг асосий йўналишларини, сўнги йилларда ҳуқуқбузарликлар профилактикасига оид ислохотларни, адабиётларда мавзуга оид жумлаларни келтириб ўтиб, мавзунини илмий таҳлил қилган.

**Калит сўзлар:** *Ҳуқуқбузарлик, Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, асосий йўналишлар, ҳуқуқий тизим, жамоатчилик тузулмаси, комплекс механизм.*

**АННОТАЦИЯ**

В данной статье автор научно проанализировал тему, приведя основные направления деятельности подразделений по профилактике правонарушений, реформы, связанные с профилактикой преступности за последние годы, приговоры по теме в литературе.

**Ключевые слова:** *Преступность, профилактика преступлений, основные направления, правовая система, общественная структура, комплексный механизм.*

**ANNOTATION**

Through this article, the author scientifically analyzed the topic by citing the main directions of activities of crime prevention units, reforms related to crime prevention in recent years, sentences related to the topic in the literature.

**Key words:** *Crime, prevention of crimes, main trends, legal system, public structure, complex mechanism.*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қаршикурашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2833-сонли қарорининг қабул қилиниши натижасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишнинг янги босқичини ватизимини белгилаб берди. Ушбу қарор билан ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишни амалга

оширувчиқуйидаги комиссиялар тузилди ва уларнинг вазифалари белгилаб берилди:

- ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жинойтчиликка қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси;
- вояга етмаганлар ишлари бўйича республика идоралараро комиссияси;
- одам савдосига қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси;
- коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси.

Ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгилаб берилган асосий вазифаларни бажарилиши амалиётда жинойтчиликка қарши курашишда муайян даражада хизмат қилмоқда. **Ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:**

- шахснинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш;
- жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, қонунийликни мустаҳкамлаш, шунингдек коррупцияга нисбатан муросасизмуносабатни шакллантириш;
- ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, ўрганиш, бартараф этиш чора тадбирларини кўриш;
- ҳуқуқбузарликдан жабрланувчиларни, ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарлик содир этган, шу жумладан илгари судланган ва озодликдан маҳрум этиш жойларидан озод қилинган шахсларни ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш;
- жисмоний шахсларнинг ҳуқуқбузарликдан жабрланувчига айланиши хавфини камайтириш;
- ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда муассасалар фаолиятининг ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш ва уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш.

Хорижий мамлакатлар тажрибаси, хусусан, Беларусь Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича фаолиятнинг асослари тўғрисида»ги қонунида «ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъектларининг ҳуқуқбузарликларнинг мумий ва индивидуал профилактикасини амалга ошириш юзасидан чоралар қўллаш бўйича фаолияти» сифатида таърифланган. Россия Федерациясида ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг ҳуқуқий асосларини белгилаб берувчи махсус қонун 2016 йил 23 июнда қабул қилинган бўлсада, мамлакатда бундай фаолиятни амалга оширишнинг ҳудудий тизими бир оз

олдинроқ яратилган. Мазкур йўналишда мамлакатнинг барча субъектларида 130дан ортиқ қонунлар қабул қилинган бўлиб, улар асосида 242 та махсус ҳудудий дастурлар ишлаб чиқилиб амалга оширилмоқда.

Махсус қонунда ҳуқуқбузарликлар профилактикасига «ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ва содир этилишига имкон берувчи шарт-шароитларни йўқотишга қаратилган ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъектлари томонидан олиб бориладиган ҳамда ижтимоий, ҳуқуқий, тарбиявий ва бошқа чоралар»<sup>1</sup> сифатида таъриф берилган.

Қозоғистон Республикасининг махсус қонунида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси «ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъектлари томонидан ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ва содир этилишига имкон берувчи шарт-шароитларни йўқотишга қаратилган ҳуқуқий тартиботни сақлаш ва мустаҳкамлаш йўналишида олиб бориладиган иқтисодий, ижтимоий ва ташкилий чора-тадбирлар мажмуи», – деб таърифланган.

Шундай қилиб, аксарият мамлакатларнинг қонунчилигида ҳуқуқбузарликлар профилактикасига берилган таърифлар таҳлили унинг биргина ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш билан чекланган фаолият эмаслигидан далолатдир. Дарҳақиқат, бундай фаолиятни амалга оширишда биргина давлат ёки унинг ваколатли органлари эмас, балки жамиятнинг барча аъзолари, яъни фуқаролар, жамоат бирлашмалари, меҳнат жамоалари, умуман олганда, давлат ва нодавлат ташкилотлари биргаликда фаоллик кўрсатсагина, кўзланган натижага эришиш мумкин. Масалага шу жиҳатдан ёндашилганда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси нафақат ҳуқуқбузулишининг олдини олишни, балки муайян вақт оралиғида мамлакатда ҳуқуқий тартиботни сақлаш борасида кўриладиган чора-тадбирлар тизимини ҳам қамраб олиши маълум бўлади.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси қонунийлик ва ҳуқуқий тартиботни мустаҳкамлаш борасида барча давлат органлари, идора ва муассасаларнинг ҳамкорликдаги фаолиятидир. Айниқса, мазкур жараёнда Ўзбекистон ИИВ ҲПББ (мазкур тушунчаларнинг кенгайтирилган шакли дарсликнинг глоссари қисмида берилган) ва ҲПБларининг иштироки алоҳида аҳамиятга эга.

Истиқлол йилларида ички ишлар органлари тизимини такомиллаштириш борасида амалга оширилган кенг кўламли ишлар ички ишлар органлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш, фуқароларнинг тинч ва осойишта ҳаёт кечиршини таъминлаш, юртимизда жинойатчиликнинг ўсишига йўл қўймаслик

<sup>1</sup> Хўжакулов С.Б. Ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикаси усуллариининг илмий амалий таҳлили // Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг ахборотномаси. – 2017. - № 4. 49 б 98

имконини берди. Бунинг натижасида бугун кунда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва унинг олдини олиш бўйича мамлакатимизда яхлит ҳуқуқий тизим яратилган бўлиб, унда ички ишлар органлари муҳим ўрин эгаллайди. Айниқса, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жинойтчиликка қарши курашиш учун ташкил этилган қуйи бўғинни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш мақсадида салмоқли ишлар қилинганлиги унинг ижтимоий аҳамияти ва долзарблигини кўрсатади. Бугунги цивилизация шароитида ҳар бир соҳанинг янгидан янги тармоқлари пайдо бўлиши билан бир қаторда, аввал мавжуд бўлган соҳалар такомиллашиб бормоқда. Амалиётдаги бундай янгиланишлар ўз-ўзидан илм-фанга ҳам таъсир кўрсатади. Жумладан, янги фан яратилишига олиб келади. Ҳар бир фан эса ўз тадқиқот предметиға эга.

**Бу юк немис файласуфи Гегель таъкидлаганидек, « предметсиз фаннинг ўзи ҳам бўлиши мумкин эмас. Предмет фаннинг мустақиллигини, унинг яшаш, мавжуд бўлиш ҳуқуқини белгилаб беради». Ўтган давр мобайнида ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти бўйича соҳасида мамлакатимизда кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилди. Хусусан, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизимидаги ислоҳотларнинг айнан ички ишлар органларидан бошланишиға қуйидагилар сабаб бўлди:**

**биринчидан,** жамиятда, аҳоли турар жойларида жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликни таъминлаш, жинойтчиликка қарши кураш, унинг олдини олиш тизимининг замон талабларига жавоб бермай қолганлиги

**иккинчидан,** аҳоли турар жойларида кеча-кундуз узлуксиз жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликни таъминлашни, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ҳамда ундан жабрланганларға ўз вақтида ёрдам кўрсатишни самарали амалға ошириш тизимининг ташкил этилмаганлиги;

**учинчидан,** бевосита аҳоли турар жойларида жинойтларнинг олдини олиш фаолиятини амалға оширувчи энг кўп сонли ва бу соҳада барча йўналишлар бўйича хизмат олиб борувчи ички ишлар органлари турли хизматлари ўртасида самарали ҳамкорликни ташкил этиш тизимининг йўқлиги;

**тўртинчидан,** аҳоли турар жойларида жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликни таъминлашға, жинойтларнинг олдини олишға кенг жамоатчиликни, айниқса ички ишлар органларига ёрдам беришни хоҳлаган фуқароларни жалб этиш ва улар ўртасида самарали ҳамкорликни ташкил этиш тизимининг йўқлиги. Қолаверса, мамлакатимизда «**Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида**»ги (14.05. 2014 й.)<sup>2</sup> ва «**Ички ишлар органлари тўғрисида**»ги (16.09.2016 й.) қонунлар<sup>3</sup> қабул қилингуниға қадар

<sup>2</sup> “Ҳуқуқбузаликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонун манбаа Lex.uz сайти <https://lex.uz/acts/-2387357>

<sup>3</sup> 2016 йил 16-сентябрдаги “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги қонун манбаа Lex.uz сайти <https://lex.uz/acts/-3027843>

ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган профилактик чора-тадбирлар қарор, фармон ва буйруқлар каби турли кўринишдаги қонун ости ҳужжатлари асосида олиб борилганлиги ўз-ўзидан ушбу соҳадаги ишлар жойларда турлича амалга оширилишига ва натижада соҳада муаммо ва камчиликлар ҳамда бир мунча қийинчиликлар туғилишига олиб келди.

Юқорида кўрсатилган қонунларнинг қабул қилиниши ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги фаолиятини қонун ҳужжатлари асосида, аниқ фаолият йўналишларида, яқдиллик билан ишлашининг ягона механизмини яратиб, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги чора-тадбирларнинг самарали олиб борилишини таъминлади.

Умуман олганда, «Ички ишлар органлари тўғрисида» қонун қабул қилинганидан сўнг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи энг муҳим органлардан бири сифатида ички ишлар органлари фаолиятини ривожлантиришнинг сифат жиҳатидан янги босқичи бошланди. **Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.М.Мирзиёев 2017 йил 9 февралдаги видеоселектор йиғилишида:** «Ички ишлар органлари ходимлари билан аҳоли ўртасидаги муносабатларда ўзаро ишонч ва очиқликни таъминлаш мақсадида профилактика инспекторлари, милиция таянч пунктлари, «Маҳалла посбони» каби институтлар ташкил этилгани юртимизда тинч-осуда ҳаёт таъминланишига хизмат қилмоқда»<sup>4</sup>

### Фойдаланилган адабиётлар

1. Хўжақулов С.Б. Ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикаси усулларининг илмий амалий таҳлили // Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг ахборотномаси. – 2017. - № 4. 49 б 98
2. “Ҳуқуқбузаликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонун манбаа Lex.uz сайти <https://lex.uz/acts/-2387357>
3. 2016 йил 16-сентябрдаги “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги қонун манбаа Lex.uz сайти <https://lex.uz/acts/-3027843>
4. Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг “Ички ишлар органлари ходимлари ва фахрийларига йўллаган табриги ”дан 2020 йил 25 октябрь. 78

<sup>4</sup> Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг “Ички ишлар органлари ходимлари ва фахрийларига йўллаган табриги ”дан 2020 йил 25 октябрь. 78